

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ


2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ТИФ амалиётида янгилик

ТАНИШИНГ – ИНКОТЕРМС-2010

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО САВДО АТАМАЛАРИДАН
ЎЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ИСС ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

2011 йил 1 январдан бошлаб Халқаро савдо палатаси – Жаҳон бизнес ташкилоти (International Chamber of Commerce, ICC) томонидан ишлаб чиқилган Инкотермс-2010 (Incoterms®-2010)нинг янги таҳрири кучга кирди.



Бироқ бу мамлакатимиздаги ТИФ иш-қиллари томонидан тузилган товарлар олди-сотди контрактларининг ҳаммаси унинг шартларига асосланиши керак деган маънони англатмайди. Бироқ «Инкотермс-2010»га мувофиқ ҳолда тузилмайдиган контрактларда албатта «Инкотермс»нинг танланган версияси тўғрисида ахборот бўлиши керак.

Инкотермс – бутун дунёдаги ҳукумат органлари, юридик компаниялар ва бизнес вакиллари томонидан халқаро савдода энг кўп қўлланиладиган атамаларнинг талқини сифатида эътироф этилган халқаро қоидалар демек. Унинг амал қилиш соҳаси олди-сотди шартномаси бўйича тарафларнинг товарларни етказиб бериш (етказиб бериш шартлари) бобида ҳуқуқ ва мажбуриятларига татбиқ этилади. Улар халқаро савдо шартномаларининг муҳим элементи ҳисобланади, бугунги кунда ТИФ ва халқаро савдо уларсиз буткул бошқача амалга оширилган бўлар эди. Инкотермс атамалари товарларни сотувчидан харидорга етказишдаги чиқимлар ва хатарларни тавсифлайди, шунингдек юк ортиш-тушириш ишлари, товарларни ташиш, уларни суғур-

талаш ва бохжонада тозалаш бўйича тарафларнинг мажбуриятларини тартибга солади.

ТАРИХДАН

Илк марта Инкотермс қоидалари Халқаро савдо палатаси томонидан 1936 йилда ишлаб чиқилган. Маҳаллий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган соҳа учун мутлақо янги концепцияни тақдим этган, қоидалар халқаро бизнес ҳамжамиятида шов-шувга сабабчи бўлди, жаҳон савдо амалиётида долзарб ва муҳим янгиликка айланди.

Халқаро савдо иштирокчиларига тафовутларга йўл қўймасликда ёрдам бериш учун уларда сотувчи ва харидорнинг товарлар етказиб беришдаги жавобгарлиги белгиланган. Ушбу қоидалар мажмуаси тарқоқ миллий тизимларни бирлаштириш, савдо битимларига юридик жиҳатдан аниқлик киритиш билан халқаро контрактлар тузишни соддалаштириш учун дастлабки реал уриниш эди.

Ушандан буён Инкотермс қоидалари мунтазам, амалда ҳар 10 йилда, халқаро савдо

2-бетда

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Президентнинг 2011 йил 17 февралдаги ПҚ-1481-сон қарори билан баъзи ҳужжатларга уларни Президентнинг 2010 йил 20 декабрдаги ПҚ-1444-сон қарорига мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди, у билан бошқарув ходимларининг сонини, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ўринбосарлари лавозимлари сонини қисқартириш, шунингдек 2011 йил 1 январдан бошлаб улар ходимларининг чекланган сонини белгилаш қарори қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралдаги 46-сон қарори билан адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг такомиллаштирилиши муносабати билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатининг (ВМнинг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорининг 1-ило-васи) «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» бўлимидан нотариал фаолият чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Адлия вазирлигининг функциялари қаторига нотариат ва ФХДЭ органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар, ФХДЭ органлари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пулли хизматлар рўйхатларини, улар амалга оширилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шунингдек нотариал архивлар томонидан нотариал тасдиқланган ҳужжатлар дубликатлари, рўйхатлардан қўчирмалар, маълумотномалар ва архив ҳужжатларининг нусхалари берилганлиги учун тўловлар миқдорларини тасдиқлаш ҳам қўшилган.

Шунингдек бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

ЯНА ЯНГИ МАРКАЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 33-сон қарори билан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларига химоянинг қўшимча даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этилмоқда. 2011 йил 1 октябрдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги маҳсулотлар маркланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилади.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ХАВФЛИ ЮК

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари ва Автомобиль транспортида ташишга рухсат берилган хавфли юклар рўйхати тасдиқланди.

Бундай ташишлар ташиш шартномаси асосида амалга оширилади. Агар: бундай ташиш Ўзбекистон қонун ҳужжатларида тақиқланган бўлса; товарлар транспорт юкхати билан расмийлаштирилмаган бўлса ёки белгиланган тартибда тегишли сертификатларга эга бўлмаса; юклар хоссаларига кўра битта автотранспорт воситасида биргаликда ташиш учун қўйилмаса; юк йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф туғдирса ва йўл ҳаракати қоидалари талабларига жавоб бермаса юкни жўнатувчи (экспедитор) юкни тақдим этмаслиги, ташувчи эса уни ташиш учун қабул қилмаслиги керак. Ҳужжат билан ташишларнинг техник таъминоти масалалари, улар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа масалалар тартибга солинган.

ҚОНУНБУЗАРЛАР РЕЕСТРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сон қарори билан Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

6-бетда

Шу соннинг мавзуси

РЕКЛАМАГА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ

Халқимизда мол сотсанг айбини айтиб сот деган ажойиб нақл бор. Таассуфки, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам мўмай даромад топиш илинжида баъзи ноинсоф кимсалар бу нақлни унутиб, молларини кўқларга кўтариб мақтаб, реклама қилиб бир амаллаб пуллаш пайида бўладилар. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида (бундан буён матнда Кўмита деб юритилади) рекламани ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган брифинг мавзуси замирида айни шу нарсдан ташвиш оҳанглари ҳам сезилди. Тадбир иштирокчилари – оммавий ахборот воситаларининг, реклама агентликларининг, кабель телевидениеси студияларининг вакиллари, реклама бозорининг бошқа амалий иштирокчилари реклама ҳақида фикрлашиб олиш, рекламани тарқатиш асносида дуч келинаётган муаммоларни муҳокама қилиш, мазкур бозор қоидаларини тушунтириш ва тушуниб олиш мақсадида йиғилишган эди.

3-5-бетларда



УШБУ
СОҶДА

1-2-бетлар

Халқаро савдодаги атамаларга доир

\$1 = 1667,20 сўм

1, 6-бетлар

Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ

€1 = 2284,20 сўм

1, 3-5-бетлар

Реклама: қатъий талаб ва истеъмолчи манфаати

£1 = 2681,69 сўм

7-бет

Статистика ҳисоботи – электрон шаклда

¥10 = 204,16 сўм

ТАНИШИНГ – ИНКОТЕРМС-2010

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО САВДО АТАМАЛАРИДАН Фойдаланиш бўйича ИСС ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ



1-бетда ва глобаллашув ўсиши шароитида замон талабларига жавоб бериш учун қайтадан кўриб чиқилади. Шу тариқа, 1953, 1967, 1976, 1980, 1990 ва 2000 йилларда ҳужжатларнинг асосий тўпламига тузатишлар киритадиган қўшимчалар қилинган.

Инкотермс қоидалари ишлаб чиқилишига қадар турли мамлакатларнинг баъзи савдо атамалари ИСС томонидан турлича талқин қилинган, бу эса кўпинча суд муҳокамаларига сабаб бўлган. Бугунги кунда Инкотермс қоидаларининг франко- завод (EXW), франко- борт (FOB), қиймат ва фрахт (CFR) ҳамда қиймат, суғурта ва фрахт (CIF) каби атамалари эътироф этилган юридик нормаларнинг бир қисми ҳисобланади, улар бутун дунёда савдо операцияларини амалга ошириш чоғида харидорлар ва сотувчиларнинг мажбуриятларини белгилайди.

ЯНГИ ВЕРСИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қоидаларнинг навбатдаги қайтадан кўрилишига Инкотермс атамаларини янада аниқроқ ва равшанроқ таърифлаш мақсади кўйилгани сабабчи бўлди. Инкотермс-2010 қоидалари 2000 йилда қоидаларнинг охириги таърири чиқарилганидан кейин шаклланган халқаро савдони ривожлантиришнинг ҳозирги тамойилларини акс эттиради. Улар орасида – 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин янада долзарб тус олган ташишларнинг хавфсизлиги, шунингдек тижорат битимларини тузаётганда электрон воситалардан фойдаланишни кенгайтириш масаласи бор.

Инкотермс қоидаларининг 2010 йил таъриридаги янги версияси бир қатор муҳим ўзгаришлар ва янгиликларни ўз ичига олади. Таркибига кўра у транспортнинг ҳар қандай турларида ҳамда денгиз орқали ва ички сувларда ташиш чоғида фойдаланиладиган атамаларнинг икки гуруҳидан иборат (Инкотермс-2000да 4 гуруҳ бор эди). Бундан ташқари, улар миқдори 13 атамдан 11 атамага қисқарди, бунинг устига уларнинг иккитаси мутлақо янги атамалар: DAT (терминалда етказиб беришлар) ва DAP (пунктда етказиб беришлар).

Инкотермс-2010да ҳар бир атамага унинг маъноси тушунтириладиган қисқача тушунтириш берилган, бу эса кўпинча етарлича ҳуқуқий билимларга эга бўлмаган тадбиркорларга контрактлар тузаётганда хатоларга йўл қўймаслик ва керакли атамани танлаш имконини беради. Қоидаларнинг янги версиясида FOB, CFR ва CIF атамаларига қўшимчалар киритилган. Шунингдек унда юрларнинг хавфсизлиги масалалари батафсил ёритилган, хусусан, иккала тарафнинг божхонада тозалаш ўтказиладиган ҳолларда сўраладиган барча зарур ахборотни тақдим этиш мажбурияти жорий этилган.

Лондонлик суғурталовчилар институтининг (Institute Cargo Clauses) ҳуқуқий тизимларнинг фарқларини ҳисобга олган тузатишларини эътиборга олган ҳолда суғурталаш шартлари батафсил қайд этилган. Қоидаларда замонавий контейнер транспортининг талаблари ҳисобга олинган. Савдо обороти иштирокчилари томонидан

анъанавий «қоғоз» ҳужжатлар билан бир қаторда уларнинг электрон эквивалентларидан фойдаланиш масалалари янгиликлардан бири ҳисобланади.

Инкотермс-2010 қоидаларини қўллаш соҳасининг янада кенгайгани уларнинг шубҳасиз афзаллигидир. 2000 йилги амалдаги таъриридан ташқи савдо контрактини тузиш чоғида фойдаланилади, 2010 йил версияси эса ушбу қоидаларни бир давлат ёки ЕИ ва МДХ сингари интеграция бирлашмалари доирасида халқаро ва ички савдода қўллаш имконини беради.

Юрларни терминалда сақлаш чиқимларини тўлаш учун масъул тарафни белгилашда ҳам вазиятни тузатишга ва аниқлик киритишга йўналтирилган тузатишлар киритилди. Сотувчи товарларни келишилган жойга етказиб беришни ташкил қилиши ва ҳақини тўлаши керак бўлганда (CIP, CPT, CFR, CIF, DAT, DAP), терминалда сақлаганлик учун чиқимларни тўлаш мажбурияти товарлар учун контракт баҳосининг бир қисми сифатида харидорга ўтиши мумкин. Шундай бўлса-да, баъзи ҳолларда иккиёқлама тўлов юзга келган – сотувчи ҳам терминалга сақлаганлик учун ҳақ тўлаши керак бўлган.

DAP Тўғрисида БАТАФСЛПРОҚ

DAP (Delivered at Place/Тайинланган жойга етказиб бериш) – Инкотермс-2000нинг DAF, DES ва DDU атамаларини ўз таъририда бирлаштирган янги атамаларни чалкаштириб, D гуруҳининг

нотўғри шартларини танлашлари тақозо этди. Натижада контрактларнинг зиддиятли ёки ноаниқ қоидалари, тарафларнинг мавҳум мажбуриятлари юзга келган.

DAP транспорт туридан қатъи назар, шунингдек биттадан кўп транспорт туридан фойдаланганда қўлланиши мумкин.

«Delivered at Place» («Тайинланган жойга етказиб бериш») шуни англатадики, келишилган тайинланган жойга келган, юқдан туширишга тайёр транспорт воситасида товар харидорнинг тасарруфига тақдим этилганда сотувчи етказиб беришни амалга оширган ҳисобланади. Сотувчи товарни айрилган жойга етказиб бериш билан боғлиқ барча хатарларни зиммасига олади.

Тарафларга келишилган тайинланган жой пунктини аниқ белгилаш тавсия қилинади, чунки унга хатарлар сотувчи зиммасида бўлади. Унга бундай танлов аниқ акс эттирилган ташиш шартномаларини таъминлаш тавсия қилинади. Агар сотувчи унинг ташиш шартномасига кўра келишилган тайинланган жойдаги юқдан тушириш харажатларини тўласа, у харидордан уларни қоплашни талаб қилишга, агар тарафлар бошқача келишув тузмаган бўлсалар, ҳақли бўлмайди.

DAP сотувчидан олиб чиқиш учун божхона расмиятчиликларини бажаришни, агар улар қўлланса, талаб қилади. Бироқ у олиб кириш учун божхона расмиятчиликларини бажаришга, импорт божларини ва ҳоказоларни тўлашга мажбур эмас. Тарафлар олиб кириш учун барча божхона расмиятчиликларини бажариш ва ҳар қандай импорт божларини тўлашни сотувчининг зиммасига юқлаш ниятида бўлсалар, DDP атамасидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДАН

Фикримизча, Инкотермс-2010ни мамлакатимиз бизнес вакиллари жуда яхши қабул қилишади. Шундай бўлса-да, ҳар қандай ўзгаришлар киритилганида бўлгани сингари, савдо компанияларининг ушбу ўзгаришларга ва ўз намунавий контрактларига зарур тузатишлар киритишга тайёрлигига ишонч ҳосил қилиш учун улар билан иш юритиш лозим.

Савдо-саноат палатаси янги қоидаларни миллий даражада оммавийлаштириш бўйича бир қатор тадбирлар ўтказишда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ниятида. Бунда Инкотермс-2010 қоидаларидан фойдаланишнинг контракт ижросини назорат қилиш ва тартибга солиш, савдони молиялаштириш, транспорт масалалари, юқлаб жўнатиш ҳужжатлари ва юқларни суғурталашга таъсир этишига оид кўп масалалар муҳокама қилинади.

Материал Савдо-саноат палатаси матбуот хизмати кўмагида тайёрланди.

ИНКОТЕРМС-2010 АТАМАЛАРИНИНГ ТўЛИҚ РўЙХАТИ

E гуруҳи (Юқлаб жўнатиш)

Транспортнинг исталган турида ташиш.

EXW EX Works (... named place) – Франко – завод (... жой номи)

F гуруҳи (Асосий ташиш ҳақини сотувчи тўламаган)

Денгиз орқали ва ички сувларда ташишлар.

FCA Free Carrier (... named place) – Франко – ташувчи (... тайинланган жой номи)

FAS Free Alongside Ship (... named port of shipment) – Кема борти бўйлаб франко (... юқлаб жўнатиш порти номи)

FOB Free On Board (... named port of shipment) – Франко – борт (... юқлаб жўнатиш порти номи)

C гуруҳи (Асосий ташиш ҳақини сотувчи тўлаган)

Транспортнинг исталган турида ташиш.

CFR Cost and Freight (... named port of destination) – Қиймат ва фрахт (... тайинланган порт номи)

CIP Carriage and Insurance Paid To (... named place of destination)

– Фрахт/ташиш ва суғурта ҳақи ... гача (... тайинланган пункт номи) тўланган

CIF Cost, Insurance and Freight (... named port of destination)

– Қиймат, суғурта ва фрахт (... тайинланган порт номи)

DAT Carriage Paid To (... named place of destination) – Фрахт/ташиш ҳақи ... гача (... тайинланган пункт номи) тўланган

DAP Delivered At Terminal (... named terminal of destination) – Терминалда (... терминал номи) етказиб бериш

DAP Delivered At Place (... named place of destination) – Пунктда (... пункт номи) етказиб бериш

DDP Delivered Duty Paid (... named place of destination) – Бож тўлаган ҳолда (... тайинланган жой номи) етказиб бериш

DDU Delivered Duty Unpaid (... named place of destination) – Бож тўламасдан (... тайинланган жой номи) етказиб бериш

DAF Delivered At Frontier (... named place) – (... етказиб берилган жой номи) чегарасигача етказиб бериш

DEQ Delivered Ex Quay (... named port of destination) – (... тайинланган порт номи) пристанидан етказиб бериш

DES Delivered Ex Ship (... named port of destination) – (... тайинланган порт номи) кемадан етказиб бериш

EXW EX Works (... named place) – Франко – завод (... жой номи)

FCA Free Carrier (... named place) – Франко – ташувчи (... тайинланган жой номи)

FAS Free Alongside Ship (... named port of shipment) – Кема борти бўйлаб франко (... юқлаб жўнатиш порти номи)

FOB Free On Board (... named port of shipment) – Франко – борт (... юқлаб жўнатиш порти номи)

CFR Cost and Freight (... named port of destination) – Қиймат ва фрахт (... тайинланган порт номи)

CIP Carriage and Insurance Paid To (... named place of destination) – Фрахт/ташиш ва суғурта ҳақи ... гача (... тайинланган пункт номи) тўланган

CIF Cost, Insurance and Freight (... named port of destination) – Қиймат, суғурта ва фрахт (... тайинланган порт номи)

DAT Carriage Paid To (... named place of destination) – Фрахт/ташиш ҳақи ... гача (... тайинланган пункт номи) тўланган

DAP Delivered At Terminal (... named terminal of destination) – Терминалда (... терминал номи) етказиб бериш

DAP Delivered At Place (... named place of destination) – Пунктда (... пункт номи) етказиб бериш

DDP Delivered Duty Paid (... named place of destination) – Бож тўлаган ҳолда (... тайинланган жой номи) етказиб бериш

DDU Delivered Duty Unpaid (... named place of destination) – Бож тўламасдан (... тайинланган жой номи) етказиб бериш

DAF Delivered At Frontier (... named place) – (... етказиб берилган жой номи) чегарасигача етказиб бериш

DEQ Delivered Ex Quay (... named port of destination) – (... тайинланган порт номи) пристанидан етказиб бериш

DES Delivered Ex Ship (... named port of destination) – (... тайинланган порт номи) кемадан етказиб бериш

- УШБУ СОНДА:**
- ✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Танишинг – Инкотермс-2010
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 - Валюталар курси **1-2, 6-бетлар**
 - ✓ **ШУ СОННИНГ МАВЗУСИ**
 - Рекламага жиддий ёндашув **1, 3-5-бетлар**
 - ✓ **АМАЛИЁТ**
 - Статистика ҳисоботини электрон шаклда топшириш мумкинми?
 - Касб мақомини ошириш йўлида **7-бет**
 - ✓ **top** **8-бет**

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|-----------|--------------|----------|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 2.03.2011 | 1 | 0,7939 | 1 | 1,0916 | 1 | 0,0276 |
| Арманистон | 3.03.2011 | 1 | 367,82 | 1 | 509,69 | 1 | 13,01 |
| Беларусь | 4.03.2011 | 1 | 3018,00 | 1 | 4180,53 | 1 | 106,56 |
| Грузия | 3.03.2011 | 1 | 1,7291 | 1 | 2,3924 | 1 | 6,04 |
| Қозоғистон | 4.03.2011 | 1 | 145,79 | 1 | 201,77 | 1 | 5,16 |
| Қирғизистон | 4.03.2011 | 1 | 47,3817 | 1 | 65,533 | 1 | 1,6403 |
| Латвия | 4.03.2011 | 1 | 0,507 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0178 |
| Литва | 4.03.2011 | 1 | 2,4897 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,7881 |
| Молдова | 3.03.2011 | 1 | 11,9276 | 1 | 16,4905 | 1 | 0,4185 |
| Тожикистон | 4.03.2011 | 1 | 4,4278 | 1 | 6,1292 | 10 | 1,5679 |
| Ўзбекистон | 1.03.2011 | 1 | 1667,20 | 1 | 2284,2 | 1 | 57,61 |
| Украина | 3.03.2011 | 100 | 793,70 | 100 | 1096,0203 | 10 | 2,7725 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

Манба: www.prime-tass.ru

РЕКЛАМАГА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ

РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТ ВА МУХБИРИМИЗ ТАЛҚИНИДА

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун¹ (бундан буён матнда ЎРҚ-259-сон Қонун деб юритилади) ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори² (бундан буён матнда 1024-4-сон қарор деб юритилади) билан реклама соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга анчагина ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Куйида янги нормалар асосида тартибга солинувчи муҳим масалаларни кўриб чиқамиз.

ЭЪТИБОРНИ НИМАЛАРГА ҚАРАТГАН МАЪҚУЛ

ЎРҚ-259-сон Қонун ҳамда 1024-4-сон қарор реклама берувчилар, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахл этади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар туфайли рекламага доир талаблар сони ортди; тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламаси батамом тақиқланди; реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима жазолари кўпайтирилиб, маъмурий жавобгарлик бўйича алоҳида модда киритилди.

ЯНГИЛИКЛАР МОҲИЯТИ

1. ЎРҚ-259-сон Қонун ҳамда 1024-4-сон қарор билан рекламага доир асосий талаблар тўлдирилди. Реклама қилишга нисбатан илгари амал қилиб келган тақиқларга янгиликлар киритилди.

| Реклама қилишга нисбатан илгари амал қилиб турган тақиқлар | Реклама қилишга нисбатан янги эъзорий этилган тақиқлар |
|--|--|
| 1) ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш; 2) жинси, нарқ, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш; 3) қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф муҳитга зарар етказувчи ҳуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек авфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш; 4) мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмайд туриб реклама қилиш; 5) агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусиқали ёки овозли оҳанглари айнан такрорлаш (тақлид ёки ўхшашма қилиш); 6) жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш; 7) порнографияни тарқатиш. | 1) ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хоржий сўз ва иборалардан фойдаланиш; 2) маҳсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш; 3) иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шарти қўйилган рағбатлантирувчи лотеря, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ҳамда тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш; 4) маҳсулотни унинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан алмаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш; 5) рецепт билан бериладиган дори-дармон воситалари рекламасини умумфойдаланиш ашёларида (соатлар, тақвимлар, соябонлар, ўтолдиригичлар, брелоклар, ахлатдонлар, кулдонлар, ёзув-чизув қуроллари, значоклар, идиш-товоқ, эсдалик буюмлари ва шу сингариларда) жойлаштириш. |

2. Киритилган ўзгартишлар тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни реклама қилишга доир талабларга («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси) дахл этади. Илгари қонун ҳужжатларида уларга нисбатан фақат чекловлар назарда тутилган бўлиб, вояга етмаганларга мўлжалланган рекламада тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёки тасвиридан фойдаланиладиган тадбирларга ҳомийлик қилишда ёхуд бундай белгилар туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва шу сингариларни) тарқатишда, шу жумладан сотишда фойдаланиш тўла-тўқис тақиқланган эди, холос. ЎРҚ-259-сон Қонун кучга кириши муносабати билан тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкогольли ичимликлар рекламаси тақиқланадиган бўлди, шу жумладан:

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш; тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тадбирларга ҳомийлик қилиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва шу сингариларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;

савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарида, ташқарига олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ҳамда улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланди.

3. Ҳомийлик рекламасига тааллуқли талаблар тўлдирилди. Телевидение ва радио, аудио-визуал маҳсулотларда ҳомийлар тўғрисидаги ахборотлар (ҳомийлик заставкалари ёки оғзаки эълонлар) телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришнинг, аудиовизуал маҳсулотнинг бошланишида ва охирида бир мартадан жойлаштирилиши керак. Ҳомийлик ва ҳамкорлик белгилари «Дастур ҳомийси» ва (ёки) «Дастур ҳамкори» ахборотини ўз ичига олиши лозим. Телеканалларда ҳомийлик ва ҳамкорлик белгиларининг хронометражи 5 секунддан, радиоканалларда эса 20 секунддан ошиши мумкин эмас.

4. Рецептсиз бериладиган дори-дармон воситаларининг ҳамда биологик фаол озик-овқат қўшилмаларининг рекламасига, шунингдек тиббийёт ходимлари учун мўлжалланган рекламага тааллуқли талаблар аниқ таърифлаб берилди. Чунончи, биологик фаол озик-овқат қўшилмаларининг рекламаси:

улар дори-дармон воситалари эканлиги ва (ёки) даволаш хоссаларига эга эканлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилмаслиги;

уларни қўллаш натижасида кишилар шифо топганлиги, беморларнинг аҳволи яхшиланганлиги аниқ ҳолатларини далил қилиб келтирмаслиги;

уларни қўллаганлиги муносабати билан жисмоний шахсларнинг миннатдорчиликларини ифода этмаслиги;

соғлом овқатланишдан бош тортишга ундамаслиги;

уларнинг афзалликлари тўғрисида тадқиқотлар, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги далилларга ҳавола қилиш, шунингдек бошқа тадқиқотларнинг натижаларидан уларни қўллашга очикдан-очик тавсия шаклида фойдаланиш йўли билан тасаввур ҳосил қилмаслиги лозим. Рецептсиз бериладиган дори-дармон воситалари рекламаси:

тушунарли тилда баён этилиши ҳамда дори-дармон воситасининг тўлиқ (шу жумладан халқаро патентланмаган фармакологик) номи, ишлаб чиқарувчининг номи, қўллашга доир асосий кўрсатмалардан иборат маълумотларни қамраб олиши;

уларни қўллаш ва ишлатишга тақиқнинг мавжудлиги, қўллашга доир йўриқнома билан танишиш ёки мутахассисларнинг маслаҳатини олиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш қамиди 10 фоизи ҳамда телевидениеда реклама ролиги бошланиши ёки охирида эфир вақтининг қамиди 5 секунди айни ана шу огоҳлантиришга ажратилиши керак. Шунингдек радиода дори-дармон воситаси рекламасининг бошланиши ёки охирида бундай огоҳлантириш овозли йўсинда эълон қилиниши лозим.

5. «Реклама тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишлар реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчиларнинг жавобгарлиги чегарасини аниқ белгилаб берди. Чунончи, реклама берувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлаш учун тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунига доир қисми бузилганлиги учун, агар ушбу қонунбузарлик реклама тайёрловчининг ёки реклама тарқатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса, жавобгар бўлади. Реклама тайёрловчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлашга доир қисми, реклама тарқатувчи эса – рекламани тарқатиш вақти, жойи ҳамда воситаларига тааллуқли қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади.

Пиво ишлаб чиқарувчи машҳур корхона ўз маҳсулотни қатори савдога унинг маҳсулотни рекламаси ёки товар белгиси туширилган совуткич ускуналарини ҳам етказиб беради дейлик. Алкоголли маҳсулотни реклама қилишга нисбатан белгиланган тақиқ кучга кирганидан кейин корхона реклама тарқатувчиларни совуткич ускуналардаги рекламани олиб ташлаш зарурлигидан огоҳ этди. Бироқ реклама тарқатувчи бу борада ҳеч нарса қилмаган бўлса, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади. Бундай ҳолларда тегишли хабарларни улар кимга йўлланган бўлса, шу шахс (адресат) олганлиги тасдиқлаб олинадиган тарзда ёзма шаклда юбориш тавсия этилади.

6. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жазо чоралари қўлланиши мумкин бўлган шахслар доираси ўзгарди. Илгари бундай чоралар юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам қўлланиб келган бўлса, эндиликда фақат юридик шахсларга нисбатангина қўлланилмоқда. Жарима солиниши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар рўйхати ҳам бир мунча кенгайди.

РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МОЛИЯВИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

| Илгари қўлланиб келинган жазо чоралари | Ҳозир амал қилиб турган жазо чоралари |
|---|---|
| нотўғри реклама берганлик учун: | нотўғри реклама берганлик, аксилреклама берилган бош тортиш, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик учун: |
| юридик шахсларга | энг кам иш ҳақининг 70 бараваридан 100 бараваригача миқдорда |
| жисмоний шахсларга | энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда |
| реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатда бажармаганлик учун: | реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатда бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик учун: |
| юридик шахсларга | энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда |
| жисмоний шахсларга | энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда |
| реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун: | реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун: |
| юридик шахсларга | энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда |
| жисмоний шахсларга | — |

Молиявий жазо чораларини қўлланиш тартибида ўзгариш бўлмади.

7. «Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларини бузганлик учун эндиликда фуқаролар ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади. Илгари фуқаролар бундай жавобгарликка тортилмасди, мансабдор шахсларга эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 178-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ монополияга қарши қаратилган фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органга ахборот тақдим этмаслик ёки унга атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, ушбу органининг қоидабузарликини тугатиш ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик учун эса – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солина эди.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МҲЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

¹2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ-259-сон Қонун. 2010 йил 18 сентябрдан эътиборан кучга кирган.
²Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 октябрда 1024-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган. 2010 йил 28 октябрдан эътиборан кучга кирган.

РЕКЛАМАГА

«Реклама тўғрисида»ги Қонунга¹ (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ўтган йили киритилган ўзгартишлар реклама фаолиятини тартибга солишда янги устуворликларни белгилаб берди. 5 ой муқаддам реклама бозори Қонунга киритилган инқилобий деса бўладиган ўзгартишлардан бир қалқиб тушган бўлса, эндиликда янги қоидалар асосида фаолият юритмоқда ва ривожланиб бормоқда. Шунга қарамай, янгиликларнинг тушунтириш, изоҳ талаб қиладиган жиҳатлари ҳали ҳам оз эмас. Брифинг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни² қўллаш амалиётига бағишланди. Қўмита тadbир ташкилотчиси бўлиб, унинг зиммасига реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга оширишда унинг нормаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш вазифаси юклатилган. Қўмитанинг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Дилшод АЗИМОВ йиғилганларга Қонунга киритилган ўзгартишлар ҳақида ахборот берди. Бу ўзгартишлар энг аввало қонун ҳужжатларини реклама тўғрисида истеъмолчиларга тўлиқ ахборот бериш; реклама бозори субъектлари томонидан ҳалол ва соғлом рақобат амалга оширилиши; тамаки ва алкогольли ичимликлар рекламасига тўлиқ тақиқ жорий этиш (собик шўролар маконида бетимсол қарор) воситасида соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун ҳуқуқий асосларни кенгайтириш нуктаи назаридан такомиллаштириш зарурияти тақозосидир.

ЯНГИЛИКЛАР
НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Дилшод Азимов йиғилганларга Қонунга киритилган энг муҳим ўзгартишлар ва қўшимчаларни бирма-бир эслатиб ўтди. Хусусан, рекламада ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш; маҳсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш тақиқланганлигини айтди. Иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шarti қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тadbир ўтказишни тadbирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тadbир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилишга нисбатан ҳам тақиқ белгиланган. Маҳсулотни уларнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар

белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш ҳам ман этилди (Қонуннинг 6-моддаси).

Қонуннинг 14-моддаси рекламани яширин деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи (бу ўринда Монополиядан чиқариш ва тadbиркорликни ривожлантириш давлат қўмитаси) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилишини назарда тутувчи янги қисм билан тўлдирилди. Алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг ҳар қандай шаклдаги рекламасига тақиқ жорий этилганлиги (Қонуннинг 23-моддаси) инқилобий деса арзийдиган янгилик бўлиб қолди. МДХга аъзо давлатлар орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб ана шу нормани жорий этди. Бу янгилик жорий этилишидан аввал бюджетга тушувлар қисқариши эҳтимоли борлиги ҳақида баҳс-мунозаралар ҳам бўлган. Бироқ Ўзбекистон аҳолисининг 50 фоизидан ортиқроғи ёшлар эканлигини ино-

нинг 14-моддасида шу нарса белгиланганки, истеъмолчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган, шу жумладан махсус видеоиловалардан (кўш овозли ёзувдан) фойдаланиш йўли билан ҳамда бошқа усуллар орқали таъсир ўтказадиган реклама яширин рекламадир. Яширин рекламадан радио, теле, видео, аудио ва кино маҳсулотда, шунингдек бошқа маҳсулотда фойдаланишга ҳамда уни ўзга усуллар билан тарқатишга йўл қўйилмайди. Рекламани яширин деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилади.

Телевидениедаги рекламада баъзан 25-кадр деб аталмиш усулдан фойдаландилар. Бу эса аслида яширин рекламадир. Гап шундаки, инсон бир секундда узоғи билан 24 кадрни фарқлашга қодирдир. Яширин рекламага мансуб видеотизимга қўшимча равишда 25-кадрнинг тиркаб қўйилиши кишининг онги ва шуурига таъсир этишнинг қудратли воситаси саналади. Кўпгина мамлакатларнинг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларида 25-кадрдан фойдаланиш тақиқланган. Бу нарса яширин рекламанинг услубларидан бири бўлганлиги сабабли бизда ҳам у Қонунни бузиш ҳисобланади.

Яширин рекламанинг аниқ таърифи йўқ, у мубҳамроқ тарзда баён этилган. Худди шу боис баъзан яширин реклама билан рўбарў бўлганлигимизни исботлаш анча қийин кечади. Айрим ҳолларда бунинг учун экспертни жалб этишга ҳам тўғри келади. Яширин рекламанинг таърифи реклама тўғрисидаги янги низомда аниқлаштириш берилди.

Мабодо мақола ва бошқа материалларда номи ароқ ёки пивонинг товар белгиси билан ҳамоҳанг компания номини зикр этадиган бўлса, бу тақиқланган реклама ҳисобланмайдими?

– Бунда эҳтиёткор бўлиш зарур – сиз айтган нарса реклама ёки истеъмолчилар учун ахборот эканлигига эътиборни қаратиш лозим. Қонуннинг 4-моддасига кўра реклама бевоқифа ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида тарқатиладиган махсус ахборотдир. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг³ 6-моддасида шу нарса белгилаб

қўйилганки, истеъмолчилар товар (ишлар, хизматлар) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи (ижрочи, сотувчи) тўғрисида тўғри ва тўлиқ ахборот олиш ҳуқуқига эга. Агар сиз ўз мақолангизда айтилик, ароқ ёки пивони сотишни рағбатлантириш мақсадида компания номини тилга олган бўлсангиз, бу рекламадир. Дастлабки кезлари ароқнинг номи, баҳоси ёзилган ёрлик рекламами ёки ахборот деган мавзуда баҳс-мунозаралар ҳам бўлган. Бу истеъмолчи учун ахборот ҳисобланади, албатта. Зотан у қандай маҳсулот сотиб олаётганлигини билиши керак-ку!

ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИМИЗ
ҲАМ ҲИСОБГА ОЛИНСА

Янги Низомни ишлаб чиқишда телевидение ижодкорлари фикри ҳам инобатга олинишини истардик. Мамлакатимизда алкогольли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг ҳар қандай рекламаси тақиқланган. Телевидение у ёки бу фильмни тайёр маҳсулот сифатида қабул қилиб олади ва унга аралаштиришга, бинобарин томошабинларга салбий таъсир этиши мумкин бўлган, ошқора ёки яширин реклама сифатида қараладиган кадрларни ўзгартиришга ёхуд қирқиб олиб ташлашга ҳақли эмас. Кино маҳсулоти телевидение орқали намойиш этилишидан аввал уни яширин рекламани аниқлаш мақсадида назоратдан ўтказиш назарда тутилганми? Кабель телевидениесида спиртли


МОҲИЯТИ ЯШИРИНЛИК
КАСБ ЭТГАЧ

Қонунга киритилган ўзгартишларда аксилреклама беришдан бош тортганлик учун жарима жазо чоралари назарда тутилган (29-модда). Аксилрекламани ким ва қандай ҳолларда жойлаштиради?

– Аксилреклама нима эканлиги Қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, у нотўғри (инсофсиз, била туриб ёлгон) реклама келтириб чиқарган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш мақсадида тарқатиладиган раддиядир. Аксилреклама беришдан бош тортганлик учун энг кам иш ҳақининг 70 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима назарда тутилган.

Энди ана шу норма қандай ишлаётганлигига назар ташлайлик. Агар Қўмита нотўғри реклама берганлик ҳолатини аниқлаган бўлса, қонунбузар Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Қўмитанинг қарорига кўра ва у белгилаган муддатда аксилреклама бериши шарт. Аксилреклама бериш ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин. Аксилреклама бериш билан боғлиқ барча харажатлар қонунбузар томонидан қопланади. Агар бу иш реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган белгилаган муддатда амалга оширилмаган бўлса, мазкур орган қонунбузарнинг рекламасини у аксилрекламани бергунга қадар тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга ва бундан қонунбузарликка йўл қўйган мазкур шахс билан шартнома тузган тарафларни хабардор этишга ҳақлидир. Аксилреклама раддия берилаётган реклама эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида, айни ўша муддат, макон, жой ва тартибдан фойдаланган ҳолда берилади. Аксилрекламанинг мазмуни қонунбузарлик ҳолатини аниқлаган ва уни тузатиш тўғрисида қарор қабул қилган давлат органи билан келишилади.

¹1998 йил 25 декабрдаги 723-1-сонли Қонун.
²2010 йил 17 сентябрдаги ЎРК-259-сонли Қонун.
³1996 йил 26 апрелдаги 221-1-сонли Қонун.
⁴1997 йил 26 декабрдаги 541-1-сонли Қонун.



Ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланишни тақиқлаш деганда нималар назарда тутилмоқда? Кўпгина хорижий сўзлар ўзбек тили луғатига ҳам, рус тили луғатига ҳам чуқур сингир кетган. Агар бу сўзларни рекламадан олиб, ўрнига бошқа сўзлар ишлатиладиган бўлса, рекламанинг сифати ва ҳатто мазмунига таъсир этиши мумкин. Тақиқланган хорижий сўзлар рўйхати борми ўзи?

– Бу истеъмолчиларни инсофсиз, талаб даражасида бўлмаган, ишончсиз рекламадан ҳимоя қилишга қаратилган янги нормадир. Мазкур норма бундан буён барча хорижий сўзлардан фойдаланиш тақиқланади деган маънони англатмайди. Гап иккиёқлама тушуниш ёки талқин этишга сабаб бўладиган, одоб доирасига сиймайдиган, қулоққа ёқмайдиган, жаргонга ўхшаб кетадиган ёки норматив бўлмаган, мазмунни бузадиган, чалғитиб қўядиган сўзлар ҳақида бормоқда. Қонуннинг 5-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон ҳудудида реклама давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади. Рўйхатга олинган товар белгилари асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин.

Уяли алоқа бозоридаги аҳвол юзасидан материал тайёрлашда бундай алоқа операторлари брэндлари номидан фойдаланамиз, уларнинг фаолиятини таҳлил қиламиз. Бу яширин реклама сифатида баҳоланмасмикин?

– Бундай материал ахборот хусусиятига эга эканлиги боис ошқора реклама ҳам, яширин реклама ҳам бўла олмайди. Қонун-

ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ

ВЕБ-САЙТЛАР ВА БОСМА ОАВ: ҚАЙСИ БИРИ ИЛҒОР?

Брифингда кўтарилган масалалар, берилган саволлар реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда эътибор қаратилиши зарур бўлган муаммоларни ҳам аниқлаб берди. Улар орасида интернет-сайтлар бугунги кунда айниқса эътиборни кўпроқ тортмоқда. Босма оммавий ахборот воситалари билан веб-сайтлар вакилларининг бу хусусдаги нуқтаи назари айрича.

Тарафларнинг бири «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга⁴ мувофиқ веб-сайтлар оммавий ахборот воситалари сирасига киради ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинади. Шу сабабли Қонуннинг талаблари уларга ҳам татбиқ этилмоғи лозим дейишди. Бугунги кунда реклама бозорида ОАВ ва веб-сайтлар учун рақобат борасида тенг бўлмаган шароит юзага келди. Босма оммавий ахборот воситалари жисмоний шаклдан уларнинг паспортлари асосида эълонлар, хусусий тадбиркорлардан рўйхатдан ўтганлик гувоҳномалари асосида реклама қабул қилади. Веб-сайтлар эса эълон ва рекламаларни шахсни ва мақомни тасдиқловчи ҳужжатларсиз жойлаштири берадилар. Башарти сайтлар реклама ифодаловчи деб ҳисобланса, улар ҳам рекламани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмоғи даркор. Зотан реклама бозорининг барча иштирокчиларида ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир хил бўлиши лозим.

Бу фикрга қарши чиқувчилар веб-сайтлар билан айтилик, босма оммавий ахборот воситалари бошқа-бошқа нарсалар эканлигини рўқач қилдилар. Уларни бир нарса деб ўйлаш от билан охуга жилов уриб аравага кўшишдек бир гап эмиш. Интернет ахборотни узатишининг ноёб во-

ситаси бўлиб, уни Қонун доирасида чеклаб қўйиш мураккаб ишдир. Интернет тармоғидаги реклама сайтларнинг техник хусусиятлари ваҳидан барча ОАВлар учун мажбурий бўлган нормаларга бўйсун олмайди. Бинобарин, интернет тармоғида амалда назорат қилиш ва қоидабузарларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Интернетда реклама миқозлар оммасига мўлжалланган бўлиб, тезкорлиги ва ўта фаоллиги, қиймати арзонлиги билан ажралиб туради. Ниҳоятда тез ўсиб ва кенгайиб бораётганлигини айтмайсизми?! Бунда жисмоний шахсдан паспорти ёки бошқа ҳужжати талаб қилишнинг иложи ҳам йўқ. Тўғри, e-mail орқали иккинчи жиҳатини кузатиб борса бўлади. Лекин бу иш ҳам осон эмас. Чунки ахборотни исталган компьютердан, исталган шаҳар ва мамлакатдан юбориш мумкин.

Дилшод Азимовнинг фикрича, ўзида газета, телевидение ва радио белгиларини мужассам этувчи веб-сайтлардаги реклама тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи рисоладагидек ҳолатдир. «Қонун ҳужжатларимиз Интернет-сайтларни оммавий ахборот воситалари жумласига киритганлиги боис ундаги реклама ҳам Қонуннинг ягона талаблари асосида тартибга солиниши ва уларга бўйсунуши лозим. Бу борада ечимини кутаётган масалалар, эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳатлар кўп эканлиги ҳам рост. Бу фақат бизгагина хос муаммо эмас – кўпгина мамлакатларда бугунги кунда унга дуч келмоқдалар. Қонун ҳужжатларимиз муайян рекламани тарқатишни тақиқлаётган экан, бу нарса сайтларда ҳам бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда бу нарса қоидабузарлик бўлиб қолади ва табиийки, Қонунда

белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Виртуал маконда реклама берувчилар ва реклама тарқатувчилар жавобгарлиги ва масъуллиги масаласида тартибга солиш талаб этилаётгани эса бутунлай бошқа гап. Бу чиндан ҳам мураккаб ишдир. Аммо ҳозир шундай воситалар ишлаб чиқишга киришилган. Рекламани жойлаштириш тўғрисида янги низом тайёрланмоқда, унда ана шу масалалар имкон қадар тўлароқ инobatга олинади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилади».

Дилшод Азимов ОАВлар реклама билан эълонни ажратмоқлари лозим деб таъкидлади. Мабодо гап танловлар, кимошди савдолари ўтказиш, ишга қабул қилиш, ўз квартирасини сотиш ва шунга ўхшашлар ҳақида бораётган бўлса, булар эълон шаклида бериладиган ахборотдир. Бунда тўғридан-тўғри фойда олиш назарда тутилмапти ва бундай эълонни жойлаштириш учун паспортнинг кўчирма нусхаси кифоя. Репетиторлик, массаж қилиш, курилиш, юридик хизматлар кўрсатиш ва шу сингарилар бутунлай бошқа гап, буни бевосита реклама дейиш мумкин.

– Биз бир қанча ОАВларни мониторинг қилиб шу хилдаги хизматларнинг аксарияти, гарчи бундай ахборотларни жойлаштирган одам фойда ёки наф оладиган бўлганлиги боис бу ҳақиқий реклама эканлигига қарамай, эълон сифатида баҳоланаётганлигини аниқладик. Бунинг учун реклама тарқатувчи рухсат берувчи ҳужжат нусхасини тақдим этиши, хизматларни реализация қилишдан олдин фойда юзасидан солиқ тўлаши лозим. Агар у шундай қилмаётган бўлса, демек биз тадбиркорларга қонун ҳужжатларини бузишлари ва солиқлар тўлашдан бўйин товлашларига имкон яратиш бермоқдамиз.

Шундан кейин Дилшод Азимов йиғилганларнинг кўпгина саволларига жавоб берди.




ичимликларнинг яширин ва ошкора рекламаси давом этмоқда. Бизда спиртли ичимликнинг ҳар қандай рекламасига нисбатан тўлиқ тақиқ белгиланлиги нуқтаи назардан бу нарса муносиблик эмасми?!

– Сиз айтган ҳар иккала ҳолатда ҳам шундай жиҳатлар ва эътибор қаратиш лозим бўлган қирралар борки, Реклама тўғрисидаги янги низом устида олиб бораётган ишларимизда уларни албатта инobatга олишимиз керак. Башарти, телевидениеда рекламаси тақиқланган маҳсулот тилга олинadиган ёки кўрсатиладиган фильм

кабель телевидениеси студиялари раҳбарларига бундай рекламани маҳаллий реклама ёки бошқа манзарали кўриниш билан ёпиб юбориш (алмаштириш) зарурлиги хусусида мурожаат қилдик. Бу техник жиҳатдан анча мураккаб, серчиқим масала, шу сабабли ҳам бунга вақт бераётирмиз. Ҳозир лицензия шартномаларига қўшимча тайёрланмоқда ва унда хориж каналларини трансляция қилишда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларимиз талаблари имкон қадар кўпроқ инobatга олиниши белгиланмоқда.

Телевидение каналларида декларация, сахна безакларини таъминловчи ҳомийлар жалб этилган ҳолдаги кўрсатувлар кўп берилади. Бироқ ҳомийлар бунда уларнинг манфаатларига риоя этилишини, хусусан студиянинг қаеридадир уларнинг логотипи ёки савдо маркаси бўлишини сўрашади. Спиртли ичимликлар ва сигареталар ишлаб чиқарувчиларнинг номи, савдо белгиси энди муҳокама этиб ўтирилмайдиган мавзу эканлиги биламиз. Аммо ҳомийлар талаби сертификати бўлган бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ҳақида бўлса ва у шартнома асосида ҳомийликни амалга ошираётган ишлаб чиқарувчи маҳсулотининг яширин эмас, ошкора рекламаси бўлса-чи?

– Қонуннинг 12-моддасида белгилаб қўйилишича, телекўрсатувлар ва радиоэшитиришларни яратишда, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлашда, театр-концерт, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни уюштиришда ҳомийлар қатнашиши мумкин. Реклама телевидение ва радио, аудиовизуал маҳсулот билан боғлиқ бўлган ва ҳомийлик хизматларидан фойдаланилаётган тақдирда, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот дастурнинг (кўрсатув ёки эшиттиришнинг) бошланишида ва охирида қисқа ҳамда аниқ қайд этилиши керак. Ҳомийнинг номи (номланиши) ёнида ёки ҳомийнинг ўрнига унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) кўрсатилиши мумкин. Аммо шуни ҳам унутмаслик кераки, телевидениеда ошкора реклама 10 фоизли резерв вақт доирасига тушади.




Кўпгина радиоканаллар тингловчилар билан ошкора эфир орқали мулоқотда бўладилар. Тингловчилар доирасини кенгайтириш учун концертларга, спектаклларга, бошқа тадбирларга таклифномалар берадилар. Эфирда бундай тадбирларнинг номи, ўтказиладиган вақти ва жойи ҳамда шу сингари маълумотлар эшиттирилади. Буни ҳам реклама дейиш мумкинми? Ана шу жиҳатлар ҳам янги низомда ўз аксини топишини истардик.

Бир қанча жамоат ташкилотлари йирик акциялар ёки тадбирлар ўтказишда кўпинча телевидениега викторина ўтказиш билан боғлиқ реклама роликлари олиб келишади, бу викториналарда ўйинга, айтилик, автомобиллар тикилган бўлади. Бу нарса Қонуннинг 6-моддасида тақиқ белгиланган танловлар, ўйинлар ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар сирасига кирадими?

– Ушбу моддага бир нарса олиш шarti билан бошқа тадбирда қатнашиш ҳуқуқини берадиган рағбатлантирувчи викториналар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини реклама қилишни ман этувчи қўшимча киритилган. Гап агар берилган саволларга жавоб қайтариш орқали совринга эга бўлинадиган викторина ҳақида бораётган бўлса, бу қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланмайди.

Реклама савдони ҳаракатга келтирувчи куч дейишади. У бозор билан бирга кун кўради ва ривожланади, унда содир бўлаётган барча ўзгаришлардан таъсирланади. Реклама бозор маърифатли ва маданиятли бўлиши, соғлом рақобат асосида ривожланиши учун зарур. Бугунги кунда Ўзбекистонда реклама соҳасида етарлича рақобат муҳити қарор топган. Аммо ҳаёт бир жойда қотиб турмайди, бинобарин янги воқеликлар янги вазифалар келтириб чиқаради ва эътибор талаб қилади. Қўмита ходимлари Реклама тўғрисидаги низомдан ташқари Қонунга доир янги шарҳлар тайёрлаб, унда барча қўшимча ва ўзгаришларни инobatга олишни мўлжалламоқдалар. Улар реклама бозори субъектларига мурожаат этиб, реклама фаолиятини тартибга солиш юзасидан амалий таклифлари бўлса, Қўмитага мурожаат этишни сўрамоқдалар.

Ирина ГРЕБЕНЮК, «Норма маслаҳатчи» муҳбири.



намойиш этилаётган бўлса, бу яширин эмас, ошкора рекламалар. Масалан, машҳур «Иван Васильевич касбини ўзгартиради» кинофильмида Леонид Куравлев Marlboro сигареталарини реклама қилади – бу яширин эмас, ошкора реклама ва у беихтиёр томошабин онгига таъсир этади. Яна шунга ўхшаш воқеа: бизда «Мадина» фильми кўрсатилганда унинг қаҳрамонларидан бири 5-6 секунд қўлида «Sarbast» пивоси шишасини ушлаб туради ва бу билан шу савдо маркасини реклама қилади. Реклама бўйича комиссия бу ҳолатни ошкора реклама деб топди. Кино ва видео маҳсулот ижодкорлари сюжетларда тақиқланган маҳсулотнинг ошкора ва яширин рекламаси бўлмаслигига эътибор қилишлари зарур. Биз «Ўзбекино» миллий агентлигига фильмларни бадиий кенгаш реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги нуқтаи назардан синчковлик билан қайта кўриб чиқишини, жумладан тамаки ва алкогольли ичимликларнинг яширин рекламасига йўл қўйилмаслигини сўраб хат йўлладик. Чет эл телевидениеси каналларини трансляция қилишда алкогольли маҳсулот рекламасини кўрсатаётган кабель телевидениеси борасида муаммо бор, албатта. Биз

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда Ички ишлар вазирлиги маъмурий жазога тортилган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритиш юзасидан масъул орган этиб белгиланди.

Ўзбекистонда 2012 йил 1 январдан бошлаб содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг марказлаштирилган электрон базаси жорий этилади. Унга шахсни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортишда, Жиноят кодекси моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортишда муурожаат қилинади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ ХУСУСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 февралдаги 40-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорлариға уларни қишлоқ ва сув хўжалигидаги сўнгги иқтисодий ислохотларға мувофиқлаштирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2002 йил 5 январдаги 8-сон) қароридан сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига қўшилган қиймат солиғи, фойда ва мол-мулк солиғи ҳисобланиши ва тўланишидан икки йил муддатға озод қилиш кўринишидаги имтиёз чиқариб ташланди.

Ер участкаларини фермер хўжалиқларига узоқ муддатли ижараға бериш тартиби тўғрисидаги Низомға (ВМнинг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартиришларға биноан фермер хўжалиқларига ер участкалари очик танлов асосида ижараға берилади. Улар узоқ муддатли ижараға қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва захира ерлардан ажратилади (илғари қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, шу жумладан қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган, ерларидан ҳам бериладилар).

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжалиқларига ижараға бериладиган ер участкалари:

пахтачилик ва ғаллачилик учун – камида 30 гектарни (олдин 10 гектарни);

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун – камида 5 гектарни (олдин – 1 гектарни) ташкил қилади.

Ер участкасини ижараға бериш тўғрисидаги қарорни ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси (олдин – туман ва вилоят ҳокими) қабул қилади ва беради. Қарор қабул қилинганидан сўнг ижара шартномаси вилоят ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

Шунингдек бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

ТЕКШИРУВЧИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛИНГ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 14 февралда 1573-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги янги тахрирда ишлаб чиқилган низомға (2006 йил 6 май, рўйхат рақами 1573) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларға биноан, бозорлар, савдо мажмуалари, уларға туташган автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолиятни амалға оширувчи тадбиркорлик субъектларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар доирасида фақатгина солиқ органлари текширадилар. Эндиликда назорат органларининг вилоят ва туман (шаҳар) бўлиmlари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектларининг текширишлар йиллик режа-жадвалиға киритилиши тўғрисидаги таклифни юқори турувчи органлар билан келишиш талаб қилинмайди.

Энди назорат қилувчи органлар тадбиркорлик субъектининг муурожаати бўйича молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган режадан ташқари текширув ўтказишлари мумкин (олдин субъектининг ташаббуси билан фақатгина молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режадан ташқари текширув ўтказилиши мумкин эди).

Хужжатға киритилган қоидаға биноан, бозорлар, савдо мажмуалари ва уларға туташган автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида, шунингдек улар ҳудудида фаолиятни амалға оширувчи тадбиркорлик субъектларини бир марталик йиғим, ижара тўловининг келиб тушиши ва ҳисоби, НКМ, ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиш қисмида қисқа муддатли текширувдан ўтказиш учун Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишиш талаб қилинмайди. Кенгаш ёхуд унинг ҳудудий комиссиясини текширув ўтказилганидан кейин бир иш куни ичида улар ҳақида хабардор қилишнинг ўзи етарли.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сувдан чекланган ҳолда фойдаланиш устидан назорат қилиш бўйича Республика сув инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан сувдан фойдаланувчиларнинг ирригация тизимлари бошқармалари билан тузилган сувдан фойдаланиш шартномалари бўйича мажбуриятларига риоя қилишлари устидан назоратни амалға оширишни ҳам келишиш шарт эмас.

2011 йил 24 февралдан кучға кирди.

ИНСПЕКТОР ОХИРИДА КЕЛАДИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 14 февралда 1712-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомға (2007 йил 3 сентябрь, рўйхат рақами 1712) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларға биноан, бозорлар, савдо комплекслари, уларға туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорларни текширишлар фақат солиқ органлари томонидан амалға оширилади. Улар қисқа муддатли текширувларни Кенгаш билан қўшимча равишда келишмасдан, уларни бу ҳақда текширув ўтказилган кундан кейин бир иш куни давомида хабардор қилган ҳолда ўтказишға ҳақли (олдин Кенгаш ёхуд унинг ҳудудий органларига ахборот ҳар куни тақдим қилинарди).

Эндиликда назорат қилувчи органлар яқка тартибдаги тадбиркорға тақдим этиладиган назорат қилувчи орган раҳбарининг ёзма буйруғи асосида Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз, расмий равишда ўз фаолиятини тўхтатгандан кейин яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини давом эттираётган жисмоний шахслар фаолиятида текширишлар ўтказиш ҳуқуқига ҳам эгалар. Бунда уларнинг яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишигача бўлган даврдаги фаолиятини текширишға йўл қўйилмайди.

2011 йил 24 февралдан кучға кирди.

СИЗ ҚАЙСИ ИНСПЕКЦИЯГАСИЗ?

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 1985-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомға (рўйхат рақами 1985, 2009 йил 24 июль) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларға мувофиқ, имтиёзлардан фойдаланиш учун асосий фаолият тури махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган гишт ишлаб чиқариш бўлган корхона эканлигини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат

инспекциясининг тегишли ҳудудий органининг – газда ишлайдиган корхоналар учун ёхуд Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг – кўмирда ишлайдиган корхоналар учун, тегишли хулосасини олиши керак.

2011 йил 26 февралдан кучға кирди.

МАЪЛУМ ҚИЛАМАН: ЎЗИМ ИШЛАБ ЧИҚАРГАНМАН

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Эркин алмаштириладиган валютаға экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидалари тасдиқланди. Уларға биноан, ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхона ўзи томонидан ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб ишлаб чиқарган ёки қайта ишлаган маҳсулот (жумладан ярим тайёр маҳсулот)ни тушуниш керак. Ўзи ишлаб чиқарган иш (хизмат) деганда корхона томонидан ўз кучи билан бажарилган (кўрсатилган) иш (хизмат) тушунилади.

Мазкур фактни тасдиқлаш учун ариза берувчи корхона солиқ органларига ва бошқа ваколатли органларға белгиланган шакл бўйича Ариза-маълумотнома тақдим этади. Қоидалар билан товарларнинг, шу жумладан, воситачи орқали, экспорт қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган.

2011 йил 26 февралдан кучға кирди.

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРГА ТАРИФЛАР ЎЗГАРДИ

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 19 февралда 2198-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Коммунал хизматларға тарифларини шакллантириш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низом тасдиқланди. Унда харажатлар таркиби белгиланган ва ташкилотлар – табиий монопол субъектлари томонидан коммунал хизматларға тарифларни шакллантиришда 10%дан кўп бўлмаган рентабелликнинг чекланган даражаси жорий этилган. Белгиланишича, аҳолиға кўрсатилаётган коммунал хизматларға, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан аҳоли номидан сотиб оладиган хизматларни ҳисобга олган ҳолда, ноль даражали ставка бўйича ҚҚС солинади. Коммунал хизматларға нархлар ва тарифларни тасдиқлаш ёки кейинчалик қайта кўриб чиқишда улар ўсишининг 10 фоизи, ушбу коммунал хизматлар етказиб берувчи ташкилотларнинг ўз даромадлари ҳисобидан қопланади.

Сув таъминоти ва канализация хизматларига ҳақ тўлаш суммаси уй-жой фондининг ободонлаштирилганлиги даражасига қараб жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган сув (канализация) истеъмоли меъёрлари ҳамда аҳоли учун тарифлардан келиб чиққан ҳолда бир ойда 1 кишиға ҳисоблаб чиқарилади, ҳисоблагич асбоб-ускуналари бўлганда эса, тўлов уларнинг кўрсаткичлари бўйича амалға оширилади. Аҳоли учун тарифлар марказий иситиш хизматлари бўйича бир ойда 1 кв. м иситиш майдониға, иссиқ сув таъминоти бўйича ҳисоблаш асбоби бўлмаганда бир ойда 1 кишиға, фақат иссиқ сув сарфини ҳисоблаш асбоби бўлганда эса 1 куб м иссиқ сув учун белгиланади.

2011 йил 1 мартдан кучға кирди.

ТўЛИҚ ЭСКИРИШ УЧУН ТўЛОВ

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 21 февралда

Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 12 февралдан 25 февралгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 7-8-сон асосида тайёрланди.

2199-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ тўлиқ эскирган асбоб-ускуна сифатида Низом билан тасдиқланган Тўлов ундириладиган асбоб-ускуналар рўйхатига кирадиган; улар бўйича 100 фоизлик эскириш (амортизация) ҳисобланган; унумли фойдаланиш муддатидан ортик муддатларда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар эътироф этилади.

Мазкур тўловни тўловчилар бўлиб, ташкилот балансида асосий воситалар сифатида ҳисобга олинган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналардан ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилаётган юридик шахслар ҳисобланади. Уни ҳисоблаш учун база бўлиб, асбоб-ускунанинг бошланғич (қайта тикланиш) қиймати ҳисобланади, бундан молиявий ижара (лизинг) шартномасига кўра унинг муддати давомида олинган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинган асбоб-ускуна мустасно.

2011 йил 3 мартдан кучға кирди.

ЯИТДАГИ ЯНГИЛИК

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 21 февралда 2095-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорға ўзгартиришлар киритилди. Олдин жорий қилинган ЯИТнинг базавий миқдори ЯИТнинг энг кам миқдориға алмаштирилди. Энди Низом ходимлар сони ва меҳнатға ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасидаги ташкилотларға ҳам татбиқ этилмайди (аввал фақатгина қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларға ҳамда нотижорат ташкилотларига, шу жумладан, бюджет ташкилотларига татбиқ этилмаган).

Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кам бўлса, у ҳолда тўланиши лозим бўлган ягона ижтимоий тўлов ЯИТнинг базавий миқдори суммасига тенг бўлиши аниқлаштирилган.

2011 йил 3 мартдан кучға кирди.

ЭНГ КАМ МЕЪЁРДАН КАМ БўЛМАСИН


Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 23 февралда 2200-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ходимлар сони ва меҳнатға ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. 2011 йил 1 январдан бошлаб чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасидаги корхоналар учун ходимлар сони ва меҳнатға ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланганлигини эслатиб ўтамиз. Шу сабабли улар учун солиқлар ва мажбурий тўловларни ушбу меъёрларни ҳисобга олган ҳолда, Солиқ кодексига белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби жорий этилмоқда. Белгиланган энг кам меъёрларға риоя қилинмаган тақдирда корхоналар улардан келиб чиққан ҳолда ягона ижтимоий тўловни, фуқароларнинг суғурта бадалларини ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини қўшимча ҳисоблашлари шарт.

Қўшимча ҳисоблаш учун база бўлиб ҳақ тўлаш фонди энг кам меъёри билан ҳақиқатдаги меҳнатға ҳақ тўлаш фонди ўртасидаги фарқ белгиланган. Ҳужжатда қўшимча ҳисоблаш учун базани ҳисоблашға мисоллар келтирилган.

2011 йил 5 мартдан кучға кирди.

СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИНИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ТОПШИРИШ МУМКИНИМИ?

Аввалдан айтиб қўя қолай – камина бухгалтер эмасман. Ҳеч қачон статистика ҳисоботларини топширмаганман. Ишончим комилки, бундан буён ҳам топширмайман. Бироқ бухгалтерия сир-синоатларидан анча узоқ одам электрон статистика ҳисоботларини бир амаллаб тушунса-да, малакали бош бухгалтер учун бу масала чўт эмас.



Биринчи навбатда биз тушунтириш олиш учун Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг бошлиқ ўринбосари Динара КОМИЛОВАга мурожаат қилдик:

Динара Файратовна, электрон статистика ҳисоботини тайёрлашни нимадан бошлаган маъқул? Рўйхатдан қандай ўтилади, зарур шакл ва бланкаларни қаердан олса бўлади?

– Дастлаб Давлат статистика қўмитасининг <http://stat.uz> сайтига кириш лозим. Асосий саҳифанинг ўнг томонида каналлар рўйхати чиқади. У ердан «Statistik hisobotlarni topshirish»ни топиб, унинг устига босамиз ва ҳавола орқали тегишли саҳифага киримиз. Бу ердан рўйхатдан ўтиш учун Word форматдаги ариза бланкаси, иккита «мануал» – тегишли дастурларни ўрнатиш бўйича фойдаланувчининг қўлланмалари, шунингдек ҳисоботларга электрон ишлов бериш учун зарур бўлган дастурлар кўчириб олинади...

Шу ернинг ўзида сиз давлат статистика ҳисоботини электрон шаклда топшириш тизимида рўйхатдан ўтишингиз мумкин бўладиган ҳавола жойлашган. Рўйхатдан ўтиш учун дастлаб сиз ДСК Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази томонидан бериладиган

электрон рақамли имзога эга бўлишингиз керак. Бунда ЭРИ янгиланган бўлиши шартдир... Амалдаги тартибга кўра, у ўз эгаси томонидан мунтазам янгиланиб бориши даркор.

Ва, ниҳоят, давлат статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тизимида рўйхатдан ўтиш учун тўлдирилган ариза бланкаси статистика органларининг тегишли ҳудудий бўлинмаларига (туман ёки шаҳар статистика бўлимига) – корхонангиз рўйхатдан ўтган жой бўйича топширилади.

– Аризани қоғоз шаклида олиб келиш керакми ёки уни электрон почта орқали жўнатса ҳам бўладими?

– Фарқи йўқ. Энг муҳими – ариза сизнинг ҳудудий бошқармангиздаги еизга хизмат кўрсатётган инспекторга келиб тушса бас.

– Бу масалада бирор муаммо туғилгудек бўлса, масалан, тизим ишлашида носозликлар вужудга келганда, «бевосита мулоқот» орқали техник кўмак олса бўладими?

– Ҳа, албатта. Сиз телефон орқали **230-81-50** рақамига (Константин Кан), **230-81-42** рақамига (Мурод Шарофхонов), **230-81-41** рақамига (Дамир Сайфуллин) кўнғироқ қилиб, техник жиҳатлар тўғрисида зарур тушунтиришларни олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳридаги ташкилотлар ва корхоналар учун умумий масалалар ҳамда ҳисоботни тўлдириш ишлари бўйича оғзаки маслаҳатларни шаҳар статистика бошқармасининг **230-88-11** ва **230-88-12** телефон рақамлари ёки рўйхатдан ўтилган жой бўйича туман статистика бўлимларидан олишингиз мумкин.

– Мабодо бухгалтер сизга ҳисоботни хатолари билан жўнатиб юборган бўлса, нима бўлади?

– Инспекторлик дастури келиб тушаётган ҳисоботларга ишлов беради ҳамда хатоларни аниқлайди. Агар хатолар бўлмаса, ҳисоботни қабул қилади. Жиддий хато ва камчиликлар бўлса, ҳисобот қабул қилинмайди, жўнатувчи бу ҳақда тегишли хабарнома олади, унда инспекторнинг хатолар аниқ кўрсатилган фикр-мулоҳазалари баён этилган бўлади.

– Мижознинг ўзи ҳисоботида хатоликлар бор-йўқлигини олдиндан текшириб кўра оладими? Дастурда дастлабки назорат қилиш дастаклари ўрнатилганми?

– Ҳа, мижозлар дастури ҳисоботни андозага келтириш, дастлабки мантиқий назоратни ўтказиб, кейин бизга жўнатиш имконини беради.

Ҳар ҳолда бу жуда қулай: бухгалтер инспектор ҳузурига ташриф буюрмайди, навбат кутиб турмайди, у жўнатган ахборот автоматик тарзда базага киритилади, инспектор маълумотларни саралашга вақт сарфламайди. Ҳисоботларни топшириш ва текширишга кетадиган вақт анча тежаллади... Фойдаланиладиган технология электрон ҳужжатнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайди. Электрон ҳисобот шаклининг ўзи қоғоздаги кўринишидан фарқланмайди, лекин электрон шаклнинг афзалликлари, кўриниб турибдики, бисёрдир.

Юлия ЯШИНА, «Норма маслаҳатчи»нинг махсус муҳбири.

КАСБ МАҚОМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Яқинда Тошкентдаги «Dedeman» меҳмонхонасида Ўзбекистон Бухгалтерлар, аудиторлар ва маслаҳатчилар федерацияси аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Амалиётчи бухгалтер халқаро сертификатларини (CAP/CIPA) ва халқаро молия ҳисоботи дипломларини (DiplFR) топширишга бағишланган тантанали маросим ҳам шу ерда бўлди.

Ўзбекистон Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Бухгалтерлар, аудиторлар ва маслаҳатчилар федерацияси сифатида қайта рўйхатдан ўтгач, янги ном билан янги ҳаёт бошлаган эди.

Федерациянинг янги уставига мувофиқ унинг ташкил этилиши ва фаолиятдан кўзланган асосий мақсад бухгалтерлик, аудиторлик ва маслаҳатчилик касбларининг ривожини ва мақоми оширишга қўмаклашишдан, Халқаро бухгалтерлар федерацияси ҳамда Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари кенгаши томонидан ишлаб чиқилган халқаро профессионал стандартлар ва касб одоби қоидаларини амалиётга жорий этиш ва улардан фойдаланишни кенг йўлга қўйишдан иборатдир.



Бугунги кунда Федерация ўз сафларида амалиётчи бухгалтер сертификати соҳибларидан 455 нафарини ва профессионал халқаро бухгалтер сертификати эгаларидан 32 нафарини бирлаштиргандир.

Федерация аъзоларининг умумий йиғилишида Федерациянинг 2010 йил юзасидан фаолияти натижалари ҳақида бошқарув раиси, ижрочи директор ва тафтиш комиссияси ҳисоботлари тингланди, Федерация жорий йилда ўтказадиган тадбирлар режаси ва 2011 йилга мўлжалланган бюджети тасдиқланди.

Халқаро бухгалтерлар федерациясига (IFAC) аъзо бўлиб кириш Ўзбекистон Бухгалтерлар, аудиторлар ва маслаҳатчилар федерациясининг стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Федерациямиз IFAC ҳақиқий аъзолари билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Халқаро ташкилот вакиллари Ўзбекистон Бухгалтерлар, аудиторлар ва маслаҳатчилар федерацияси фаолиятига ва мавжуд интеллектуал салоҳиятига юксак баҳо бермоқдалар, профессионал ташкилот сифатида ўзларидаги бор илғор тажриба Ўзбекистоннинг бухгалтерия ва аудиторлик борасидаги энг яхши амалиётдан жой олиши йўлида ҳамкорлик қилишдан чуқур манфаатдорлик туйғуларини билдирмоқдалар.

Имтиҳонларни муваффақиятли топширган мутахассисларга умумий йиғилишдан кейин тантанали вазиятда 26 та CAP сертификати ва 4 та DiplFR дипломи топширилди.

Бу маросимда Молия вазирлиги, CIPAEN UZ имтиҳон тармоғи, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, халқаро аудиторлик компаниялари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўз ахборотимиз.

Хорижда

КўРИНАДИГАН МУЛОҚОТ

Россия пенсия жамғармасининг Ставрополь бўлими тажриба ўтказа бошлади. Энди жамғарма ходимлари ҳузурига шахсан келибгина қолмай, балки Skype да маслаҳат олиш ҳам мумкин. Он-лайн қабулхонасига кирувчи жамғарма мутахассислари билан видеотрансляция режимида суҳбатлашиши мумкин, бундай мулоқот жамғарма бўлимига одатдаги ташрифдан амалда фарқ қилмайди. Тармоқдаги қабулхона бўлим кун тартиби бўйича ишлайди. Агар Ставрополь тажрибаси муваффақиятли чиқса, бундай қабулхоналар жамғарманинг бошқа минтақалардаги офисларида ҳам пайдо бўлиши мумкин, чунки бундай мулоқот келувчилар вақтини тежайди ва навбатлар юзага келишига сабабчи бўлмайди.

ШИКОЯТЛАР УЧУН ПОЧТА

Москва ҳукумати сайтида барча хоҳловчилар давлат хизматчиларининг тамағирлик қилиши ва порахўрлиги ҳоллари тўғрисида хабар қилиши мумкин бўлган электрон почта манзили чоп этилди. Ноҳақ ўч олиш мақсадида ходимлар қоралинишига йўл қўймаслик учун жўнатувчининг

исм-шарифи ҳамда манзили кўрсатилган мурожаатларгина кўриб чиқилади. Пойтахт мэриясидаги мутахассисларнинг фикрича, коррупцияга қарши йўналтирилган ушбу ҳаракат муваффақиятли бўлиши керак, чунки бу ҳолда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда ёрдам сўраб мурожаат қилиш йўлида бюрократик тўсиқлар мавжуд эмас.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ҲИСОБГА ТУРИШ

Москвада яқин тартибдаги тадбиркорлар солиқ органида Интернет орқали ҳисобда туришлари мумкин. 2011 йилнинг I чорагида Россиядаги биринчи ва энг

йирик Пойтахтнинг ягона рўйхатдан ўтказиш маркази – Россия ФСХнинг Москва шаҳри бўйича туманлараро 46-сон инспекцияси Москвада яшовчи яқин тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш чоғида аризаларни электрон тарзда қабул қила бошлади. Бунинг учун фуқаронинг рақамли имзо калити сертификати олиши кифоядир. ЭРИ билан имзоланган ариза давлат хизматлари ва Россия ФСХ порталлари орқали узатилади. Москва ҳудудда юридик шахсларда коммуникацион алоқа каналлари орқали солиқ инспекциясида ҳисобга туриш имконияти 2011 йилнинг II чорагидан бошлаб пайдо бўлади.


Хорижий матбуот материалларидан.

ТОР

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслахатчи» N 9 (294) 2011 йил 9 март

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., Қибрай (собик М.Жалил) кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Аудиторлик текширувлари ҳамда МХХС ва БХМС бўйича малакали хизматлар
Бухгалтерия хисоботи ва баланс тузиш
САР ва СІРА сертификатларига эга аудиторлар керак

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

«Аудит-ВАРН» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БХМС ВА МХХС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099, уяли: +998971192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
ЎзР АВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавхар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: ltd_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55,
Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63,
Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 февралдаги 10-1117/2294-сонли ажримига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги «PETROL SERVICE» КК бўйича банкротлик иши кўзгатирилган. Мазкур корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 1 март куни соат 10.00 да Тошкент ш., Шахриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносидан ўтказиш тайинланди. Банкротлик иши 2011 йил 11 март куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносидан (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй) 1-сонли суд залида бўлиб ўтади. Ушбу корхонанинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 февралдаги 10-1118/2871-сонли ажримига асосан Миробод туманидаги «TEHNO GRAND UNIVERSAL» МЧЖ (СТІР 206997094) бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2011 йил 7 март куни соат 11.00 да Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 610-хонада ўтказилиши тайинланган ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 9 март соат 15.30 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 6-суд мажлислар залида судья П.Г.Мазуркин томонидан кўрилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 1 мартдаги 10-1119/1994-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги «FORMATION SER SERVICE» МЧЖ (СТІР 301222119; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 15.06.2009 - 003931-03; ОКПО: 22824569) банкрот деб топилган ва тугатишга оид ишлар бошланган. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб О.Алтиев тайинланган. Ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, муҳр ва штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2011 йил 1 апрелда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 610-хона.

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги қуйидаги корхоналарга нисбатан тугатиш жараёни бошланган:
Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси-дан 2005 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтган «REGINA LUX» ХК (СТІР 205851634) бўйича 2011 йил 20 январдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Интернационал кўчаси, 6-уй, 1-хонадон.
Телефон: 8-370-61-6-00-17.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси-дан 2008 йил 27 майда рўйхатдан ўтган «COMPLEX SERVICE» ХК (СТІР 300847417) бўйича 2011 йил 23 февралдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Байналминал жангчилар кўчаси, 11-уй, 1-хонадон.
Телефон: +99897-433-45-78.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси-дан 2009 йил 27 августда рўйхатдан ўтган «DITEM BUSINESS» МЧЖ (СТІР 301303056) бўйича 2011 йил 28 февралдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Олмалиқсой кўчаси, 9-уй. Телефон: +99893-627-50-24.

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

«ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чўқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги дренаж учун ГНОМ туридаги К туридаги, Консоль «КАСКАД» КЎЗ

ВК туридаги, Вихрли ЦМК туридаги фекаль «Анджәнец» насоси

189-10
Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

| ЭЪЛОНЛАР | ЭЪЛОНЛАР |
|---|---|
| <p>ИШ</p> <p>Ташкилот кўчмас мулк, ишчи машиналар ва ускуналарни баҳоловчи мутахассисни ишга қабул қилади. Талаблар: 45 ёшгача бўлган олий техник маълумотли эркак. 103-63-47 телефони орқали мурожаат қилинг.</p> | <p>Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06. 263-77-29.</p> |
| <p>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</p> <p>Юридик хизмат кўрсатиш*. Тел. (+99897) 330-45-71.</p> | <p>«SHARQIY MASLAK» аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви, профессионал хизматларни таклиф этади. Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнида қатнашади*. Тел./факс: 250-37-75. Уяли: 733-17-29.</p> |
| <p>Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*. Тел. (+99897) 100-47-33.</p> | <p>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Тиклаш. Юритиш. Тел. 100-65-80.</p> |
| <p>«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.</p> | <p>ХИЗМАТЛАР</p> <p>Металл конструкциядан буюмлар тайёрлаймиз. Тўлов - исталган шаклда. Тел. 100-10-81.</p> |
| <p>Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш. Адвокат Шуман Неля Сергеевна*. Тел./факс: 242-33-52; 341-03-50 (уяли).</p> | <p>Ташкилий техника: компьютерлар, ноутбуклар, мониторлар, принтерларни таъмирлаш. Тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.</p> |
| <p>Кўчмас мулк бўйича юрист маслахатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.</p> | <p>Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва солаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+99897) 450-03-24 Светлана. (+99897) 158-46-10 Сергей.</p> |
| <p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Аудиторлик ва бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 185-48-30.</p> | <p>Видео-, фотосуратга олиш*. Тел. (+99897) 709-20-17.</p> |
| <p>Аудиторлик хизматлари. Арзон*. Тел. 176-23-13.</p> | <p>*Хизматлар лицензияланган.</p> |

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 февралдаги 10-1109/2141-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги «LUVANZOR ALFA» МЧЖ банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга оид ишлар бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб Ф.Тўхтаев тайинланган. Корхонага тегишли думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплар бекор қилинди. Мазкур корхонага алоқадор шахс ва корхоналар ўз мурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин. Тел. 276-98-21.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 15 февралдаги 10-1115/1229-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги «BONUS KLASS SERVIS» МЧЖ банкрот деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Эшназаров тайинланган. Мазкур корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хона. Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 1 мартдаги 10-1109/2440-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги «AGROSNAV IMPEX» МЧЖ банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга оид ишлар бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб О.Қабиров тайинланган. Корхонага тегишли думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплар бекор қилинди. Мазкур корхонага алоқадор шахс ва корхоналар ўз мурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин. Тел. 276-98-12.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРХОД КҮРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
Тахририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслахатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОПРИТ» МЧЖ босмаханасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 941 Алади 5345. Баҳоиси келишилган нархда
Газета 2011 йил 4 мартда соат 21.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223